

Ижтимоий ҳимоя

ОҚИБАТЛИ КИШИЛАР

Мамлакатимиз раҳбарияти аёлларнинг жамиятдаги ўрни, иззату ҳурматини янада оширишга қаратилган кўпгина тadbирларни амалга оширишда. Оила, болалар тарбияси давлат сиёсати даражасига кўтарилган.

Зеро, аёллар турмуш фаровонлигини янада яхшилашда Шахрисабз туманидаги Навоий номидаги жамоа ҳужалиги хотин-қизлар кўмитасининг фаолияти ҳам ибратлидир. Кўмита раиси Дилором Ҳазратова шулар ҳақида ҳикоя қилади.

— Кўмитамиз маъмурият билан келишган ҳолда аёлларни ижтимоий ҳимоялаш, уларнинг соғлигини тиклаш борасида муҳим тadbирларни амалга оширмоқда. Жумладан, сўнгги ойлarda 57 нафар кўп болали аёлларга совға уюштирилди. Наврўз байрами эсда қоларли тadbирлар асосида ўтди. Барча қишлоқларда сумалак каби шифобахш таомлар тайёрланиб, дастурхонлар ёзилди. Кам таъминланган оилалар фарзандларининг суннат тўйлари ўтказилди.

Ноғиронларни ижтимоий ҳимоялаш мақсадида уларга неъматлар, дори-дармонлар ажратилляпти. Бундан ташқари, меҳнат илгорларига соат, телевизор, палос,

рилди. Хотин-қизлар кўмитаси ва фаолларнинг саъй-ҳаракати билан аёллар ўртасида «Элли келин, сепли келин», «Кимнинг хонадон ораста?» каби танловлар ўтказилди. Кўмита аъзолари «Экология ва аёл», «Хотин-қизлар меҳнатини ижтимоий муҳофазалаш», «Аёл, оила ва маҳалла», «Соғлом авлод — соғлом жамият негизи» дастурлари асосида тарбиявий - ташкилий ишлар олиб бордилар.

Она ва бола соғлигини мустаҳкамлаш ҳам алоҳида диққат марказида. Ҳўжалик ҳисобидан хаста, кам қонли аёлларни даволаш учун катта маблағ ажратилди. Улар санаторий ва дам олиш масканларига арзонлаштирилган йўлланмалар билан юборилдилар.

Шунингдек, аёллар учун кўшимча имтиёзлар яратилган. 14 ёшгача фарзанди борларга қисқартирилган меҳнат ҳафтаси, кўшимча таътил жорий этилган.

Хайрулла ТўРАЕВ.



«Дар-АС-Салом» Янгийўл дон маҳсулотлари очик турдаги ҳиссадорлик жамиятида бугунги кунда турли миллат вакилларидан иборат 325 нафар ишчи-хизматчи самарали меҳнат қилмоқда. Бу ерда бир кунда 100 тонна ун



«Суратларда:1 Катта лаборант Оля Симёнова компьютер ёрдамида лаборатория анализларини таҳлил қилмоқда. 2 Фидойи ходимлардан Оксана Дроглова.

Бу йилги Наврўз кувони ва таассуротлари Хоразм вилоятининг турли шаҳар ва туманларида истиқомат қилувчи 120 нафар ноғирон боланинг хотирасида бир умрга сақланиб қолади. Байрам кунларининг бирида улар учун Урганч шаҳрига саёҳат уюштирилди. Жисмоний хасталиги сабабли мустақил ҳара-

катланишдан маҳрум бўлган кўпгина болалар ҳаётида биринчи бор вилоят марказини томоша қилиш имкониятига эга бўлди. Махсус жиҳозланган автобусларда шаҳар

бўйлаб уюштирилган саёҳатда улар Жалолиддин Мангуберди меъморчилик мажмуи, Ал-Хоразмий ва Ал-Беруний боғларига ташриф буюрди ҳамда Урганч халқаро

аэропортининг иккинчи навбати қурилиши билан танишди. Саёҳат шаҳарнинг энг яхши қаҳвахоналаридан бирида уюштирилган хайрия тушлиги ва санъат усталарининг концерти билан якунланди. Бу ерда болаларга баҳор байрами муносабати билан кизгин табриклар ва совғалар ҳам улашилди.

Вилоятдан хабарлар

«ЁЗОВОН»ДА ХОРИЖ ТЕХНОЛОГИЯСИ

Наврўз тантаналари арафасида Навоий вилоятидаги «Фозгонмармар» ҳиссадорлик жамиятида хориж технологияси асосида ишлайдиган янги линия ишга туширилди. Фозгонликлар Италиянинг «Рови-Рову-ЛТД» компаниясига қарашли «Тима-Фруголи» фирмаси билан ҳамкорликда мраморни қайта ишлайдиган линияни ўрнатди. 1 миллион 190 минг АҚШ долларига сотиб олинган бу технология ёрдамида йилга 60 минг квадрат метр мрамор тахтачалари ишлаб чиқариш мумкин. Бу ерда буюртмачиларнинг талабига асосан эни 30 сантиметрдан 60 сантиметргача, узунлиги исталган ҳажмда махсулот тайёрлаш йўлга қўйилди.

ТАДБИРКОРЛАР БАҲСИ

Навоий шаҳридаги «Фарход» маданият саройида «Ташаббус-2000» курик-танловининг вилоят босқичи якунланди. Унда ўттиздан ортиқ тadbиркор, фермер ва хунарманд қатнашди. Зарафон шаҳридаги «Далол» кичик корхонаси раҳбари Зинаида Дементьева «Энг яхши тadbиркор», Хатирчи туманидаги «Ассалом» фермер ҳужалиги раҳбари Бахтиёр Рахмонов «Энг яхши фермер», Навоий шаҳрида яшовчи хунарманд Ирина Кудрявцева эса «Энг яхши хунарманд» деб топилди. Фойблар «Ташаббус-2000» курик-танловининг республика босқичига йўлланма олди.

Саҳоват-ла мунаввар олам ўнг қўл қилган эҳсонни чап қўл билмасин

Тим қора шахло кўзларида самимият, меҳр порлаб турувчи, юзларида мулоийм табассум аримайдиган бу аёлни республикамизнинг кўпбал туман ва шаҳарларида ҳам яхши танишдик. Сабаби, у «Нафисфарм» хусусий дорихонаси директори. Сирдарё, Самарқанд, Тошкент вилоятлари, Тошкент шаҳридаги «Дори-дармон» ҳиссадорлик жамиятларига қарашли дорихоналар ва «Фармако» компаниясининг арзон нарҳдаги дорилар билан таъминлаётган ҳам шу аёл.

Бозор иқтисодининг ўзига хос пасту-баландлари бор. Шу боис дориларни оз бўлса-да, арзонроқ қилиб сотишга ҳаракат қилмоқдамиз, - дейди Нафисахон Қосимова. - Бунинг учун дори ишлаб чиқарувчи корхоналар билан бевосита алоқа ўрнатганмиз. Новосибирскининг «Сибфарм», Қозоннинг «Табхимфарм» дори ишлаб чиқарувчи корхоналари шулар жумласидандир.

Нафиса Тошкент фармацевтика олийгоҳини тугаллаб, 14-дорихонада энди иш бошлаган пайтларида ўзбекистон мустақилликка эришди ва республика ҳукумати дастлабки кундаоқ тadbиркорлик ҳаракатига кенг йўл очиб берди. Бу имкониёт эди ва Нафиса оиласидагилар билан маслаҳатлашиб, хусусий дорихона очди ва мустақил равишда иш бошлаб юборди.

Ишларнинг юришиб кетишида ундаги пухталиқ, ҳар бир ишининг натижасини ўйлаб ҳаракат қилиш, энг муҳими, шарқона муомала маданиятини пухта эгаллаганлиги қўл келди.

— Ҳисоб рақамингизда пул бўлса, иш кўлимини кенгайтириш имконияти яратиллаверар экан, - суҳбатни давом эттирди у. - 1995-1996 йиллардаги соф фойдамиздан саҳни 100 квадрат метрлик улгуржи савдога мўлжалланган янги дорихона курган эдик. Кейинги йиллардаги даромадимиздан эса Оққўрғон тумани марказида «Оталар чойхонаси», «Дока-нон» кичик нон заводи курмоқдамиз. Қурилиш ишлари якунланиш арафасида. Ишни арзон ва сифатли олиб боришда турмуш ўртоғим, қурилиш фирмаси директори Гофиржон акам яқиндан ёрдам бермоқдалар.

Ҳа, бир оилада икки тadbиркор. Бир-бирига ҳамкор, ҳамфикр улар. Фарзандлари Нилуфар ҳамда Бехзоджонларни ҳам ўзлари каби эл-юрт иши учун фидойи инсонлар қилиб тарбиялаш ниятидалар. Нафиса ишдан сўнг вақт топиб, фарзандларига эртақ айтиб беришга, улар қалбига эзгулик уруғини сеппишга ҳам улгурмоқда.

Меҳру мурувват, саҳоват инсон қалбининг гултожирид. Бу туйғу Нафисани ҳам муҳтожларга ёрдам беришга ундаб туради. Шунинг учун ҳам у ўтган йили Оққўрғондаги ақли заиф болалар мактаб-интернати ҳамда Юнусободдаги меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига Наврўз, Мустақиллик байрамларида керакли дори-дармонлар билан биргаликда бошқа неъматлар ҳам совға қилди. Кам таъминланган оилаларга баҳоли қудрат ёрдам бериб келмоқда. Бу йилги Наврўз байрами арафасида эса ҳамқишлоғи, гулистонлик Кумри Раҳимқоновага ноғиронлик аравачисини совға қилди. Ўнг қўлинг қилган эҳсонни чап қўлинг билмаслиги керак, дейди у.

Муборак МИРҚАМОЛОВА, «Ишонч» мухбири.

Хайрли кун

Фарғона туманидаги Бобур номидаги ҳўжаликнинг Исмоилжон Каримов бошлиқ бригадаси пахтакорлари Фарғона вилоятида биринчи бўлиб чигит экишни бошлади. Ҳўжаликдаги мавжуд экин майдонлари, техник воситаларнинг мавсумга ўз вақтида тахт қилингани иш унумининг юқори бўли-

Ўзбекистон — Бангладеш ҳамкорлиги

Бангладеш Халқ Республикасининг Фавкулудда ва мухтор элчиси Мухсин Али Хон билан «Туркистон-пресс» мухбири дўст мамлакатнинг мустақиллик кунини арафасида мулоқотда бўлди.

— 26 март — Бангладеш Халқ Республикасининг Мустақиллик кунини Сизини ва мамлакатингиз халқини кутлуғ сана билан муборакбод этамиз. Республикангиз ўз Истиқлолига қачон эришган?

— Бундан 29 йил муқаддам Бангладеш Мустақилликка эришди. 1971 йил 26 мартда миллий қаҳраонимиз Шайх Мужибур Раҳмон мамлакатимиз истиқлолга эришганлигини эълон қилган эди. Шунинг учун ҳам биз бу кунни ҳар йили миллий байрам сифатида нишонлаймиз.

Бангладеш - Жанубий Осиё мамлакати бўлиб, уни дарёлар ва кўллар диёри деб ҳам атайдилар. Юртимизда Брахмапутра, Падма (бизда Ганга дарёсини шундай деб атайдилар) ва Мегна каби йирик даёрлар бор. Чой плантациялари, апельсин ва ананас боғлари катта-катта худудларни ишол этади. Бенгал кўрфазини соҳилида жойлашган Сундербан жаҳондаги энг

йирик ўрмон қўриқхонаси ҳисобланади. Мамлакат аҳолиси сонини 126 миллион кишини ташкил этади. Бангладеш ва Ўзбекистон Осиёнинг икки биродар мамлакатларидир. Республика-миз Ўзбекистон билан ўзаро муносабатларга алоҳида эътибор беради. Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги эълон қилиниши билан мамлакатларимиз ўртасида дипломатик алоқалар ўрнатилган. Бангладеш Республикасининг элчихонаси Ўзбекистонда 1996 йил март ойида ўз фаолиятини бошлаган.

— Ўзбекистон - Бангладеш ўртасидаги иқтисодий, маданий, дўстона алоқалар ривожини хусусида тўхталиб ўтсангиз.

— Бангладеш ва Ўзбекистон ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг, айниқса, савдо, инвестициялар, сайёҳлик ва маданият соҳаларида торабора ривожланиб бораётгани мамуният билан қайди эътибор қилишимиз. Бугунги кунда Ўзбекистон Бангладешга пахта ва ипак хом

Мўъжизалар яратишга қодир юрт



ашёси, турли маъданлар, қурилтирган мевалар экспорт қилса, мамлакатимиздан чой, газ ламалар, чарм маҳсулотлар, дори-дармонлар келтирилади. Ўзбекистонда Бангладеш — Ўзбекистон кўшимга корхоналари муваффақият билан фаолият кўрсатмоқда. Яқин келажакда мамлакатларимиз ўртасида «савдо делегациялари алмашинуви» амалга ошириш ниятидамиз.

«Ўзбекистон ҳаво йўллари» авиакомпаниясининг самолётлари Тошкент-Дакка-Тошкент йўналиши бўйича икки марта қатнаб, мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро муносабатларнинг янада

таракқий топишига кўмаклашмоқда. Маданий соҳадаги ўзаро алоқаларимиз яхши йўлга қўйилган. Чунинчи, ўзбекистонлик бир гуруҳ таникли рассомлар 1999 йил Дакка шаҳрида ўтказилган сават асарларининг 9-Осиё кўргазма-ярмаркасида иштирок этдилар. Уларнинг асарлари бангладешлик санъат илхосмандларида катта таассурот қолдирди. Бангладешлик созандалар гуруҳи Самарқандга ўтган йил ўтказилган «Шарқ тароналари» фестивалида қатнашдилар, шунингдек, Тошкент шаҳрида концерт бердилар.

Бангладеш Ҳукумати ва халқи мамлакатларимиз ўртасида барча соҳалардаги биродарлик муносабатларини янада мустаҳкамлашни борасида қатор ишларни амалга оширмоқда ва мен саъй-ҳаракатларини ҳаётга татбиқ этиш борасида тинмай меҳнат қилишга тайёрман. Шу ўринда қундалиқ фаолиятимда Ўзбекистон Ҳукумати ва халқи бизни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ваётганини алоҳида таъкидлаб ўтмоқчиман.

Бизнинг миллий байрамимиз халқингизнинг Наврўз байрами билан қарийб бир

Ўз ҳақ-ҳуқуқимизни билайлик, уни ҳимоя қила олайлик

Фатхулла Хамидов «Дўстлик» пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти раиси лавозимига суд қарори билан қайта ишга тикланди. Унга мажбурий бекор юрган вақти учун жамии 20161 сўм «Киззахпахтасаноатотиш» ҳиссадорлик бирлашмасидан ундириб берилди.

Ф.Хамидов 1998 йил январидан буён «Дўстлик» пахта тозалаш ҳиссадорлик жамияти раиси лавозимига ишлар, йиллик режа-топшириқларни ўз вақтида бажариб келарди. 1999 йилнинг августидан у даволанишда бўлган даврида «Киззахпахтасаноатотиш» ҳиссадорлик бирлашмаси раиси уни ишдан бўшатиш ҳақида буйруқ чикарди. Давола-нишдан қайтган Ф.Хамидов ўз ҳақ-ҳуқуқини тиклаб беришларини сўраб, ҳуқуқ-тартибот идораларига мурожаат қилди. Вилоят прокурорининг протестига кўра у яна ўз лавозимига тикланди.

Кўп ўтмай, аниқроғи 30 сентябр кун «Киззахпахтасаноатотиш» ҳиссадорлик бирлашмаси раисининг Ф.Хамидовни ишдан бўшатиш ҳақида 56-К-сонли буйруғи чикарди. Буйруққа Ф.Хамидовнинг меҳнат вази-фаларини мунтазам бажармаслиги, бирлаш-ма раиси билан тузған меҳнат шартномасининг 2.6, 2.9, 2.10-бандлари бажарилмаганлиги, бирлашма директорлар кенгашининг 1999 йил 29 сентябрдаги 6-сонли йи-гилиш қарори асос

Меҳнат тўғрисидаги қонуннинг тегишли бандига кўра унга ишдан бўшатилиши ҳақида камидан уч кун олдин огоҳлан-тирилиши ёки шунга му-

хатти-ҳаракат учун фақат битта интизомий жазо қўлланилади.

Меҳнат шартномасининг 2.9-бандида Ф.Хамидов ишлаб чиқариш

ўзидан пахта ҳосили ва ишчи-хизматчилар сонига мутаносиб равишда 3,3 фоизни ташкил қилган.

Корхона раҳбари ишчи-хизматчилар билан тузилган муддатли меҳнат шартномасини пахта ҳосилининг кам бўлганли-гини рўқач қилиб, ўз ташаббуси билан бекор қилишга ҳақли бўлмаган.

Ф.Хамидов раҳбарлик қилган корхона бирлаш-ма раҳбарияти томонидан ишлаб чиқилган 1998 йил пахта ҳосилини қайта иш-лаш натижалари бўйича чикарган табицага кўра 889 тонна пахтани қайта ишлаш режалаштирилган бўлса, амалда 1150 тонна пахтани қайта ишла-ди. Корхонанинг махсу-лотни сотишдан олган соф фойдаси 257132 сўмни ташкил этган. Бу кўрсаткич вилоятдаги бо-шқа корхоналардаги қараганда бирмунча юқоридир.

Пахта ҳосилининг кам бўлиши ва шунга кўра ишчи-хизматчиларга тўланадиган меҳнат ҳақи микдорининг тайёр мах-сулотлар микдори мавсу-фок келмаслиги корхо-на раҳбарининг ихтиёри-га боғлиқ бўлмаган ҳолда юз берган.

Ана шуларга асосан буйруққа асос қилиб олинган меҳнат шартно-масининг 2.6, 2.9, 2.10-бандлари талаблари ба-жарилмаган дейилиши ҳақиқатга ҳилофдир. Шуниси ажабланарли-

НОҚОНУНИЙ БУЙРУҚ БЕКОР ҚИЛИНДИ

қилиб олинган ва Меҳнат Кодексининг 100-модда-си 2-қисми 3-бандига кўра вази-фасидан бўша-тилган.

Шунингдек, йиғилишда Ф.Хамидовнинг бир неча кун дағзимда ишга чи-маганлиги ҳам қўрсатиб ўтилган. Ф.Хамидов ишга чиқмаганлиги узрли экан-лигини, касаллик варақа-си ёрлигини билдирган. Бигўж, меҳнат шартно-масининг тегишли бандла-рида кўрсатилган вази-фаларини бажармаганли-ги юзасидан ундан изоҳ талаб қилинган, сабаб-лари муҳокама этилма-ган. У фақат ишга чиқма-ганлик сабаблари юзаси-дангина изоҳ бериб, ту-шунтириш хати ёзиб бер-ган. Ваҳоланки, амалда-ги Меҳнат Кодексининг 182-моддаси 2-қисми та-лабига кўра ходимдан но-жўя хатти-ҳаракати юза-сидан изоҳ талаб қилини-ши лозим эди.

Меҳнат Кодексининг 182-моддаси 4-қисми та-лабига кўра, бир ножўя

таносиб равишда компен-сация тўланиши лозим эди. Бирлашма раҳбария-ти қонуннинг бу талаби-ни четлаб ўтган.

Меҳнат шартномаси-нинг 2.6-бандида Ф.Ха-мидов пахта толаси ва пахта махсулотларининг сақланиши, тегишли ас-сориментда фақат на-рядлар бўйича ўз вақти-да жўнатилишини таъ-минлаши кўрсатилган.

Бирлашма раҳбарияти томонидан шартноманин-г бунди бузилишига корхонада 1999 йил апр-ел ойида содир қилин-ган талон-тарожиқ фак-ти асос қилиб кўрсатила-ди. Ҳолбуки, бирлашма директорлар кенгашининг 1999 йил 24 апрелдаги 4-сонли қарорига кўра бу ҳолат бўйича Ф.Хамидов-га хайфсан эълон қилин-ган эди.

Меҳнат Кодексининг 182-моддаси 4-қисми та-лабига кўра, бир ножўя

ки, бирлашма раҳбари Ф.Хамидов билан тузган меҳнат шартномасининг 5-бандига энд равишда иш тутади. Яъни шарт-номанин ушбу бандида бирлашма раҳбари агар Ф.Хамидов шартнома-нинг 2-бандида кўрсати-тилган шартларни би-ринчи марта шундай ҳол такорланса, унга чорак мукофотларини тўла-маслик, иккинчи марта-сида эса йиллик муко-фотдан маҳрум қилиш, учинчи марта бажарма-са у билан тузилган меҳнат шартномасини ўз ташаббуси билан бекор қилиши кўрсати-лган. Бу ўринда Ф.Ха-мидов илгари содир қил-ган ножўя хатти-ҳаракати бўйича фақат бир марта интизомий жазо-га тортилган, холос.

Воқеани атрофица ўрганиб чиққан Киззах шаҳар судининг судья-си Б.Каримов раисли-гида ўтказилган фуқа-ролик иши юзасидан қабул қилинган ҳал қилув қарори билан «Киззахпахтасаноатотиш» ҳиссадорлик бир-лашмаси раисининг 1999 йил 30 сентябр-даги Ф.Хамидовни иш-дан бўшатиш ҳақидаги 56-К-сонли буйруғи-нинг 2-параграфини ноқонуний деб топди ва уни бекор қилди.

Абдумноп АЗИМОВ, «Ишонч» мухбири.



27 март - 2 апрел

ТОШКЕНТ КЎРСАТАДИ

1 6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!" 8.00-8.40 "Тахлилнома".

14.10 "Оталар сўзи - ақлнинг кўзи". 15.10 "Тараққиёт йўли".

1 6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!" 8.00-8.30 "Ахборот".

15.10 "Чемодан ёки ўнгидан келган туш". Бадий фильм.

9.15 "Ўзбектеlevision" намоиши: "Чемпионлар".

18.30 "Сихат-саломатлик". 18.50 "Кўйлаб, ёшлигим".

10.05 Кундузги сеанс: "Тани ва икки мускетёр". Бадий фильм.

20.15 "Зиё". 20.30 "Ахборот".

1 6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!" 8.00-8.30 "Ахборот".

14.40 "Бу олам сахнида". Мусикий дастур.

8.45 "Янги оғирини шўх яллалар". Мусикий дастур.

15.15 "Уйланмиш". Бадий фильм.

9.15 "Фахруллода 20 дақиқа". 9.35 "Ўзбектеlevision" намоиши: "Номалум Қизилқум".

18.10 "Кичиктоймиш-гизинтоймиш". 18.25 "Иктисод ва биз".

10.05 "Талаб ва тақдир". Бадий фильм.

18.35 "Хар кунинг улсин Наврўзи!". 19.00 "Эл тинчлиги йўлида".

11.10 "Живовланмаган Африка". Телевизион 17-18-сериялар.

18.40 "Ажаб содаот эрур". Бадий-публицистик кўрсатув.

12.05 Футбол бўйича Ўзбекистон чемпионати. "Трактор" - Сўғдиёна, "Насаф" - "Семур".

19.00 "Хидоят сари". 19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ўзлонлар.

13.35 Болалар учун. "Жажжи

20.00 Оқшом эртақлари.

1 6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!" 8.00 - 8.30 "Ахборот".

14.10 Телевизион новеллалар театри.

8.45 "Аёл халби навалари". Мусикий дастур.

15.10 "Сайқал". 15.30 "Товус малика". Бадий фильм.

9.20 "Ўзбектеlevision" намоиши: "Ўзбекистон табияти".

17.00 "Тилга эйтибор". 17.20 Эстрада концерти.

9.40 "Жавоҳирлар хазинаси". Адабий кўрсатув.

18.10 Болалар учун. "Хикматлар хазинаси".

10.05 Немис тили.

18.45 "Истеъдод". Мусикий дастур.

10.35 Болалар учун. "Кувноқлар даврасида".

19.05 "Ишончли ҳамкор". Банклара-ро телетанлов.

11.15 "Ринг". Спорт дастури.

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ўзлонлар.

12.05 "Сомон йўли".

19.30 "Ахборот" (рус тилида) 20.00 Оқшом эртақлари.

12.35 "Эртақлар - яхшиликка етаклар".

20.15 "Тиббиёт оламида". 20.30 "Ахборот".

13.25 "Наврўзи васфи". Мусикий да-

21.05 "Хаёт шамчирғи". Мусикий да-

1 6.30 "Ассалом, Ўзбекистон!" 8.00-8.30 "Ахборот".

15.15 "Озод юрт одамлари". Бадий-публицистик кўрсатув.

16.30 "Эдгар ва Кристина". Бадий фильм.

24.00 "Ахборот". 00.30 "Ўз ихтиёри билан". Бадий фильм.

17.50 "Жонсарақ". Мультфильм.

1.40 - 1.45 Ватан тимсоллари.

18.10 Болалар учун. "Наврўзи чечаклари".

8.55 Кўрсатувлар дастури: 9.00 "Давр". Хафта ичида.

18.25 "Муваозанат". Ахборот-таҳлилий кўрсатув.

9.40 "Ешлар" телеканалда. 9.45 "Янги авлод" почтаси.

18.50 "Бахтли воқеа".

"Ким эгчил-у, ким чаққон?" 10.20 "Мусликий лаҳзалар".

19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Ўзлонлар.

10.30 "Темурнома". "Муқаддима". Видеofilm.

19.30 "Ахборот" (рус тилида) 20.00 Оқшом эртақлари.

10.50 "Олам футболи". 11.10 "Толёнома".

20.15 Биржа ва банк хабарлари.

11.30 "Кинотакдим". 11.50 "Мусликий лаҳзалар".

21.05 "Ассалом, Наврўзи олами!" Бадий-мусликий дастур.

12.00 Халқаро театр кунига. Баҳодир Йўлдошев театри. "Қирол Лир".

22.25 УЗТВ экранда биринчи марта. "Шалаш оиласи". Телевизион премьераси. 15-қисм (Миср Араб Республикаси).

13.30 "Олтин мерос". 13.45 "Ақл ёшдамас".

23.05 Халқаро театр кунига. "Маъна-

тер футбол. Хафтанинг энг яхши урдушу йил".

23.20 "Ахборот". 23.50 "Қамтарин кулингиз". Бадий фильм.

13.45 "2000 йил - Соғлом авлод йили". "Аёл зоти". Видеofilm. 1-қисм.

1.10-1.15 Ватан тимсоллари.

14.20 "Садо-99" саҳифаларидан. 14.35 "Душанба дастуридагилар ва бошқалар".

2 8.55 Кўрсатувлар дастури: 9.00 "Давр". Ахборот дастури.

14.55 "Жаҳон эстрадаи". 15.10 "Дилбарим".

9.15 "Ешлар" телеканалда. 9.20 "Янги авлод": "Хар соҳага савҳат", "Мультимоша".

15.35 "Ешлар" телеканалда спорт: Теннис.

9.55 "Асп қиёфаси".

16.35 "ТВ-савҳат". 16.50 "Мусликий лаҳзалар".

10.15 "Бу муниҳ лаҳзалар".

17.00 "Янги авлод": "Эркатой", "Мультимоша".

10.30 "Темурнома": "Чингизхон босқини". Видеofilm.

17.35 "Асл табият посбонлари". Марийский дастур.

10.55 "Дунёга йўл".

18.25 "Минг бир маслаҳат". 18.40 "Таянч".

11.10 "Муҳаббат қаҳваси". Телевизион.

19.00 "Давр". Ахборот дастури.

11.55 "Саломат бўлинг".

19.30 "ТВ-анонс". 19.35 "Биринчи мўжиза".

12.15 "Ешлар" телеканалда спорт: Интерфутбол.

19.50 "Мусликий лаҳзалар". 19.55 "Давр" - интервью.

12.15 "Ешлар" телеканалда спорт: Интерфутбол.

20.10 "Олтин мерос". 20.15 "Янги авлод": "Эркатой", "Мультимоша".

12.45 "Садо-99" саҳифаларидан. 12.50 "Мусликий лаҳзалар".

20.35 "Марду-майдон". 20.55, 21.30, 22.30 Ўзлонлар.

12.55 "2000 йилдан сўнг". Телевизион.

21.00 "2000 йил - Соғлом авлод йили". "Аёл зоти". Видеofilm. 2-қисм.

13.00 "02" тўққинида.

21.35 "Ешлар овози". 21.55 "Мусликий лаҳзалар".

13.15 "Таянч".

22.00 "Мусликий лаҳзалар". 22.00 "Давр". Ахборот дастури.

13.30 "2000 йил - Соғлом авлод йили". "Аёл зоти". Видеofilm. 2-қисм.

22.35 "Экзолаш". 22.40 "Муҳаббат қаҳваси". Телевизион.

13.45 "Ақл ёшдамас".

23.25 "Кинематография санъати буйича "Оскар" мукофоти ил тақдими маросими".

14.00 "Колонна". Бадий фильм. 1-қисм.

23.55 "Семур". Усмилрлар учун дастури.

1.35-1.40 Ватан тимсоллари.

17.50 "Тулла" орасида. 18.05 "Далил ва шарҳ".

2 8.55 Кўрсатувлар дастури: 9.00 "Давр". Ахборот дастури.

18.15 "Маслаҳат". 18.50 "Мусликий лаҳзалар".

ДУШАНБА, 27

14.00 Баҳодир Йўлдошев театри. "Қирол Лир". 2-қисм.

20.40 "2000 йил - Соғлом авлод йили". "Аёл зоти". Видеofilm. 1-қисм.

15.20 "Мусликий лаҳзалар".

21.20 "Сиз севган хонанда Охунжон Мадалиев".

16.20 "Якшабда кўриш гуниҳи".

21.40 "Бир пиёла чой устида". 22.00 "Давр". Ахборот дастури.

17.00 "Янги авлод": "Хар соҳага савҳат", "Мультимоша".

22.30 "Мусликий лаҳзалар". 22.35 "Экзолаш".

17.35 "Ешлар" телеканалда спорт: "Спорт-2000".

22.40 "Муҳаббат қаҳваси". Телевизион.

18.25 "Буюк юрт фарзанди ил".

23.25 "Ешлар" телеканалда спорт: Интерфутбол. Хафтанинг энг яхши урдушу йил".

18.40 "Дастхат".

00.00 "Давр". Ахборот дастури.

19.00 "Давр". Ахборот дастури.

0.15 Интерфутбол. Хафтанинг энг яхши урдушу йил".

19.30 "ТВ-анонс".

1.10 "Шарҳ эстрадаи". 1.25 "Тонг юлдузи".

19.35 "Биринчи мўжиза".

1.75 "Соғлом бўлай десангиз". 8.00 Телегазета "Экспресс".

19.50 "Мусликий лаҳзалар".

8.25 "Пойтахт". Ахборот кўрсатув (рус тилида)

19.55 "Давр" - интервью.

8.45 ТВДа сериял: "Санта-Барбара".

20.10 "Олтин мерос".

9.35 Болаларлар экранни. "Зорро". Мультсериял. 6-қисм (яқунловчи).

20.15 "02" тўққинида.

9.55 "Спорт-тайм". 10.20 Телефильм.

20.30 "Мусликий лаҳзалар".

10.40 "Халқ саломатлиги йўлида". 11.00 Киноноҳ. "Бум-1".

20.35 "Марду-майдон".

12.40-13.00 "Пойтахт". Ахборот кўрсатув (рус тилида).

20.55, 21.30, 22.30 Ўзлонлар.

14.55 Кўрсатувлар тартиби.

21.00 "2000 йил - Соғлом авлод йили". "Аёл зоти". Видеofilm. 2-қисм.

15.00 "Каталог". 22.00 "Давр". Ахборот дастури.

21.35 "Ешлар овози".

22.30 "Мусликий лаҳзалар". 22.35 "Экзолаш".

21.55 "Мусликий лаҳзалар".

23.25 "Мусликий лаҳзалар". 23.30 "Давр". Ахборот дастури.

22.00 "Мусликий лаҳзалар".

23.55 "Семур". Усмилрлар учун дастури.

22.35 "Экзолаш".

7.50 "Соғлом бўлай десангиз". 8.00 Телегазета "Экспресс".

22.40 "Муҳаббат қаҳваси". Телевизион.

8.45 ТВДа сериял: "Санта-Барбара".

23.00 "Давр". Ахборот дастури.

9.35 "Янги кайфият". 9.55 Киноноҳ. "Бум-2".

23.05 "Ешлар" телеканалда спорт: Интерфутбол.

11.55-12.15 "Пойтахт". Ахборот кўрсатув (рус тилида).

23.25 "Кинематография санъати буйича "Оскар" мукофоти ил тақдими маросими".

12.15 "Пойтахт". Ахборот кўрсатув (рус тилида).

23.55 "Семур". Усмилрлар учун дастури.

12.40-13.00 "Пойтахт". Ахборот кўрсатув (рус тилида).

17.50 "Тулла" орасида. 18.05 "Далил ва шарҳ".

15.55-16.15 "Пойтахт". Ахборот кўрсатув (рус тилида).

18.15 "Маслаҳат". 18.50 "Мусликий лаҳзалар".

16.00 "Мусликий лаҳзалар". 16.05 "Давр". Ахборот дастури.

18.40 "Таянч".

17.25 Кўрсатувлар дастури. 17.30 "Эхтиром ила".

19.00 "Давр". Ахборот дастури.

18.00 "Халқ саломатлиги йўлида". 11.00 Киноноҳ. "Бум-1".

19.30 "ТВ-анонс".

12.40-13.00 "Пойтахт". Ахборот кўрсатув (рус тилида).

19.35 "Биринчи мўжиза".

15.00 "Каталог". 22.00 "Давр". Ахборот дастури.

22.30 "Мусликий лаҳзалар". 22.35 "Экзолаш".

СЕШАНБА, 28

16.15 "Бу ҳам кино". Телевизион.

17.25 Кўрсатувлар дастури. 17.30 "Эхтиром ила".

17.00 "Олтин мерос".

18.00 "Пойтахт". Ахборот кўрсатув (рус тилида).

17.05 "Янги авлод": "Эркатой", "Мультимоша".

18.45, 20.00 "Табриқлаймиз, кутлаймиш".

17.35 "Ешлар" телеканалда спорт: "Спорт-2000".

19.30 "ТВ-анонс". 19.35 "Биринчи мўжиза".

18.25 "Буюк юрт фарзанди ил".

20.00 "Мусликий лаҳзалар". 20.05 "Дилбарим".

18.40 "Дастхат".

20.35 "Марду-майдон". 20.55, 21.30, 22.30 Ўзлонлар.

19.00 "Давр". Ахборот дастури.

21.00 "2000 йил - Соғлом авлод йили". "Аёл зоти". Видеofilm. 2-қисм.

19.30 "ТВ-анонс".

21.35 "Ешлар овози". 21.55 "Мусликий лаҳзалар".

19.35 "Биринчи мўжиза".

22.00 "Мусликий лаҳзалар". 22.00 "Давр". Ахборот дастури.

19.50 "Мусликий лаҳзалар".

22.35 "Экзолаш". 22.40 "Муҳаббат қаҳваси". Телевизион.

19.55 "Давр" - интервью.

23.25 "Кинематография санъати буйича "Оскар" мукофоти ил тақдими маросими".

20.10 "Олтин мерос".

23.55 "Семур". Усмилрлар учун дастури.

20.15 "02" тўққинида.

17.25 Кўрсатувлар дастури. 17.30 "Эхтиром ила".

20.30 "Мусликий лаҳзалар".

18.00 "Пойтахт". Ахборот кўрсатув (рус тилида).

20.35 "Марду-майдон".

18.45, 20.00 "Табриқлаймиз, кутлаймиш".

20.55, 21.30, 22.30 Ўзлонлар.

19.30 "ТВ-анонс". 19.35 "Бир

Дэю-до

ГОЛИБЛАР ОЛИМПИДАГА ЙЎЛЛАМА ОЛДИЛАР

Жорий йилнинг 15-18 март кунлари Урганч шаҳрида дэю-до кураши бўйича эркаклар ва хотин-қизлар ўртасида Ўзбекистон чемпионати ўтказилди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда барча вилоятлардан ташриф буюрган энг кучли полвонлар иштирок этишди.

Чемпионат иштирокчиларини вилоят ҳокимининг ўринбосари Ботир Раҳимов, Ўзбекистон терма командасининг бош мураббийси Рустам Тўраев, мусобақа бош ҳақами Нусрат Валиевлар қизгин табрикладилар.

Марказий «Динамо» ўйингоҳида тўрт кун давом этган беллашувлар натижасига кўра 66 килограммлик вазн тоифасидаги голиблик тошкентлик Сергей Петрияннига насиб этди. 73 килограммлик полвонлар ўртасида Тошкент вилояти вакили халқаро спорт устаси Андрей Ивнурбабин чемпион бўлди. Шунингдек, ўз вазн тоифаларида Камол Муродов ҳамда Шавкат Аҳмадқалиевлар ҳам голиблик шохсупасига кўтарилдилар.

Республика биринчилигида хоразмлик ёшлар ҳам фаол иштирок этдилар. Хусусан хотин-қизлар ўртасидаги мусобақаларда Тамара Парфёнова — олтин, Анжела Худойберганаева — кумуш, Альфия Иброҳимова ва Тўхтадон Матқубовалар бронза медалини кўлга киритдилар.

81 килограммлик оғирлик вазнда урганчлик Рустам Юсупов, янгириқлик Мўмин Отабоев (90кг)лар бронза медали билан тақдирландилар.

Шуни айтиш керакки, ушбу мусобақа голиблари айна вақтда олимпиада бахсларида иштирок этиш учун ҳам йўллама олишга эришдилар.


Кези келганда Хоразм вилоятида катталар ўртасида бундай нуфузли мусобақа илк бора ўтказилганлигини таъкидлашни истардик.

Эркин ЭРМАТОВ.

МЕҲРИБОНЛИК УЙИДА

Наврўзи олам шодлиқ хуррамлик билан ўтди

Наврўз том маънода — олинган ёшнинг боши, яъни янги кун деген маънода. Мустақиллигимиз 9 йиллиги олдида кутиб олган ёшнинг боши деген маънода. Мустақиллигимиз 9 йиллиги олдида кутиб олган ёшнинг боши деген маънода. Мустақиллигимиз 9 йиллиги олдида кутиб олган ёшнинг боши деген маънода.



Даврон АХМАД олган суратлар.

... Замондош ровийлар андоқ ривоят қилмишдишларким, Тошканди азим қалам аҳлининг бир гуруҳи Наврўз арафасида халфана у сулинда сумалак солмишлар. Албатта, дошқозон атрофида бола-бақралар, заифалар андармон. Адилларимиз эрса бир пийла чой устинда сумалак маҳинда андак мушоира қилмишларким, ушбу гуруннинг қисқача баёни шул турсур.

Мухтор Худойкулов

СУМАЛАКНОМА

БОЗОРДАГИ УЧРАШУВ

(масала-латифа)

Йиртак кун катта бозор йўлида Сумалак ва Атала учрашиб қолибдилар.

— Мунча, бу қўйни кўнжингизу тўрвангизни ҳам тош-пошга тўлдириб олибсиз, ошна? — деб сўрабди Атала.

— Э, сиз сўраманг, мен айтмай. Камина бугун кооператив ошонанинг дошқозонида қайнаганман, — деб жавоб қилибди Сумалак. — Ҳа, бу ўзлариям суюқ қўлтиқлаб олибдиларми?

— Энди, нима десам экан... — мужмалланибди Атала. — Нотаниш қас-соддан гўш олиш ана шунақа бўларкан-да...

Анвар ОБИДЖОН

КАТТА БОҒДАГИ ПАТРАКБОЗ

Салом, Наврўз байрами! — Баҳорнинг энг хуш дами. Бугун мен, Соли, Рамиз, Патрақлар учирамиш. Менга қара, хой Кимсан, Еганмисан кўк сомса? Пишувнича хандала, Ялаверайлик сумалак...

Турсунбой АДАШБОВ

“ЭНГ ЗЎР ШАКАЛАТ!”

Биласанми, вей, Пўлат, Сумалак — зўр шакалат! Унга ўқдир болалар, Андалар холалар... Сумалак ҳам бир ҳашар,

ДИҚҚАТ: ЯНГИЛИК!

“Сумалак” хусусий овқат ланиш ошхонаси жамоаси Наврўз байрами арафасида яна бир хайрли ишга қўл урди.

Бугун фирма ҳовлиси шу атрофдаги маҳалла аҳли ва болакайлар билан гавжум. Дошқозонларда эса сумалак бикирлаб қайнамоқда.

Сумалакни эртага эрталаб сузмокчимиз ва унинг биринчи қўзонини маҳалламиздаги отахон ва онахонларимизга тарқатамиз. Индинига эса маҳалламиз аҳли ва жамоанинг аъзолари иштирокида тўкин дастурхон атрофида Наврўз байрамини нишонлаймиз, — дейди фахр ила фирма раҳбари ва биз билан суҳбатда. — Байрам кунлари хўрандаларимиз дастурхондан анъанавий қалпа-поча маҳсулотларимиздан ташқари сумалак ҳам ўрин олди ва у таомномамизга бепул илова бўлади. Келгусидаги режаларимиз катта. Фирмамиз номига мос равишда сумалак-пазликни анъананага айлантирмоқчимиз. Эндиликда ҳам Наврўзда “Сумалак” фирмасида албатта сумалак муҳайё бўлади. Мархабо, хўрандалар!...

Ҳа, ушбу ташаббус ҳақиқатан ҳам жамоанинг ҳамшаҳарларимизга ўзига хос байрам совғаси бўлди. Биз ҳам ишга ана шундай ижодий ёндашиб, изланиб-интилаётган «сумалак»чиларнинг меҳнатлари муваффақиятлар тилаймиз.

А.ИСОМИДДИНОВ

Ибн Сино сабоқлари

ОР АСТАЛИК СИЗГА ЯРАШАДИ

Сут сакар билан ичишса, айнакча хотин-қизлар юзини чиройли қилади.

Куйдирилган туз тишидан тозалайди, суртилган қанталашни кетказди.

Гулсафсар суви билан юз ювишса, тиниқлаштиради ва ажинларни кетказди.

Кунжут сочни узайтиради, айнакча пояси ва бар-

нинг шираси шундай хусусиятга эга, улар сочни юмшатади ва қазғоқни кетказди. Кунжут ёғида миртани қайнатиб ишлатилса, сочни тўкилишдан сақлайди.

Беҳи терни тўхтади. Унинг ёғи совуқдан ёрилганга фойда қилади.

Маймунжоннинг шоҳлари ва барги қўшиб қайнатилган сув сочга ранг беради

Ялпиз, хусусан унинг янги шаробда қайнатиб, боғланса, бадандаги ярдан қўлган қора доғларни ва кўз остидаги қонталашни кетказди.

Қалампирмуноқ оғизни хушбўй қилади.

Седана осилиб турувчи сўғалларни, холларни, доғни, хусусан песни кетказди.

2000 йил — Соғлом авлод йили

КЎВ НОҚЛАР ВА ЗУККОЛАР БАҲСИ

Яқинда Абу Али ибн Сино номидаги Бухоро вилоят маданият маркази саройида шахар ҳокимлиги маданият бўлими ташаббуси билан «Соғлом авлод йили»га бағишланган кўв ноқлар ва зукколар кўрик-танлови ўтказилди. У «XXI аср авлоди қандай бўлиши керак?» шиори остида ўтди.

Бу йорю шаҳар Қишлоқ хўжалик коллежи, Педагогика, Ёшчил саноат техникумлари талабалари табрик, савол-жавоб, XXI асрда опера, балет театрлари, мода кўри нишлари қандай бўлади, муслиқий дастур каби шартлар бўйича ўз билим ва маҳоратларини намойиш қилдилар. Қишлоқ хўжалик коллежидан Санъатжон Невъ матов, Нилуфар Саидова, Комил Алиев, Педагогика техникумидан Маърифат Хижматова, Икром Одилов, Умида Шодиева каби талабалар томошабинларнинг олқишларига сазовор бўлдилар. Учала жамоа талабалари ҳам янгича дунёқараш ва тушунчаларни эркин намойиш эта билдиллар.

Мутахассис ва тармок қасаба уюшма кўмиталари хо димларидан иборат ҳакамлар хайъатининг яқунли хулосаларига кўра голиблик Қишлоқ хўжалик коллежигани насиб этди.

Қишлоқ хўжалик коллежигани Агросаноат мажмуи ходимлари қасаба уюшмаси вилоят кўмитаси кўшалок совға ўрнида Шахрисабз - Тошкент, Фан ва таълим қўмитаси қасаба уюшмаси вилоят кўмитаси эса Самарқанд - Тошкент йўналиши бўйлаб саёҳат йўлнамаларини II-ўринни кўлга киритган Педагогика техникуми жамоасига тақдим этишди.

Ж.ШАРИПОВ

Агросаноат мажмуи ходимлари қасаба уюшмаси Бухоро вилоят кўмитаси бош мутахассиси.

МУНАЖЖИМЛАР БАШОРАТИ

Кўй. Олдиндан пухта ўрганган гошларни амалга ошироқчимиз? Унда бу ишга пайшанба, жума кунлари киришганингиз маъқул. Бошқа кунларда урунгудек бўлсангиз, ўзларини «ичимдагини топ» қабилда тутадиган кишилар билан рўпара келасиз. Афсуски, улар билан ҳар қандай масалада тил топишингиз қийин кечади.

Бузок. Фейлингиздаги тезлик, ўта таъсирчанлик бу ҳафта ҳар қадамда ўзини сездириб туради. Шу сабабли гапиркунунини ва гапиритибий ишлардан четроқ юринг. Илкони борица, бировлар билан тортишмасликка ҳарат қилинг. Шунини маслаҳат берамиз.

Эгизаклар. Бир қарашда жуда муҳим воқеага ўхшамаса-да, ўтиб кетган ноҳушиқдан дарак берадиган ҳодиса юз бериши мумкин. Уни ҳаёлингиздан чиқариб юборишга урунманг, барибир бугун ҳафта давомида

оромингизни бузиб туриши эҳтимоли бор. Кўнглингизга яқин кишилар даврасида бўлишга ҳарат қилинг.

Кискичбака. Бошқаларнинг дабудурустан пуддор бўлиб қолаётганини кўриб, шайтон измига киришингиз ва дуппа-дурут даромад келтириб турган ишингизни ўзгартириш ҳаракатга тушишингиз мумкин. Бу ҳафта бир маромда келаятган ҳаётингизга бирор ўзгариш қилишга не ҳожат!

Арслон. Молиявий аумуман, моддий масалаларда ҳафта давомида бирор бирор ваъда берманг. Бу охири оқибатда жиддий таъбиҳирачиликка олиб келади. Емаган сомсага ҳақ тўлагандек, айбдор бўлмасангиз-да, ёмонликка чиқарингиз ҳеч гап эмас. Биламан, деб тутилгунча, бил-

(27 март — 2 апрел) майман деб қўтилган яхши.

Сунбула. Ойида юз бериши мумкин бўлган хархаша, сиз истамагангиз-да, шерик ва ҳайкорларингиз билан муносабатингизга салбий таъсир ўтказди. Бунга жиддий эътибор беринг. Акс ҳолда улар билан орангизнинг узилиб кетишига сабаб бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас.

Тарози. Жуда илгаридан ён-верингиздаги нарсаларни фикри билан ҳисоблашмасдан келаятгандирсиз? Аммо бу ҳафта маъмур оdatни тарк этмасангиз, оқибати ёмон тус олади. Келгусида бошингизга катта ташвишлар тушиб, кейин афсусланиб юрманг тагин.

Чабен. Ойла-аъзоларингиз, яқин кишиларингизга нисбатан баъзан феълингизда учраб турадиган кўрсаткич барҳам беришингиз лозим. Акс ҳолда улар билан орангизда бошлангичдан ноиноқлик жуда узоқ вақт давом этади. Уни бартараф этиш учун кўп маблағ ва куч сарфлашингизга тўри келади.

Ёй. Уйламасдан қилинган битта ҳаракат билан кўпга орзу-умидларингизга чек қўйишингиз эҳтимоли бор. Илгари шу йўл билан яхши натижани кўлга киритган бўлсангиз, бу гал уни такрорлашнингизни маслаҳат берамиз. Негаки, тахмин ва таваккал билан иш битираолмайсиз.

Эчки. Ҳафтанинг биринчи ярмида бирор масалада ўзгаларга ваъда берманг. Битмаётган ишни бит-сизман деб чиранманг ҳам, иложи бўлса, узоқ сафарга чиқманг. Юқорида таъкидлан-

ган юмушлар, гаплар пайшанбадан кейин ижобат бўлиши мумкин. Ҳар ҳолда биринчи галда саломатлигингизга эътибор беринг.

Ковға. Тақдирингизни бир умур буриб юбориши мумкин бўлган ҳаётини-ҳаракатлар ва ҳатто кўнмас мулк олди-сотдисига ўхшаш юмушларни келгуси ҳафтага қолдирсангиз, асло ютказмайсиз. Чунки бу кунларда маъмур юмушларга олдузингиз ҳомилий қилмайди. Аммо кўнглик майлига қулоқ солиб, хордиқ чиқаришингиз ҳаммасидан аёло!

Балик. Сафарга чиқсангиз яхши йўлдош, янги иш бошласангиз, ҳалол ҳамкор, меҳрга ташна бўлсангиз, содиқ дўст учраши, умуман, қайси ишга кўл урманг, омад қулиб божингиз эҳтимоли кучли. Фақат жиддий эътиборсизлик қилсангиз, катта харажатга тушишингиз мумкин. Уйламай гапирсангиз, истамаган ҳолда бировни ранжитишингиз ҳеч гап эмас.

Муаммо кўндаланг қўйилади

Бугун юртимизда соғлом авлод истиқболи йўлида кўплаб таҳсинга сазовор ишлар амалга ошириляётир. Қашқадарё вилоятида олиб бориляётган кенг миқёсли ишлар ҳам фикримизнинг яққол далилидир. Баҳористон, Усмон Юсупов, Муборақ, Катибо туманлари ҳамда Қарши шаҳрида қурилган кўплаб спорт иншоатлари киши завқини келтиради.

ТОР ЖОЙДА ТОМОШАМИ?

Бирок, Касби туман марказида қад кўтарган теннис кортини кўриб, тарвузингиз кўлтигингиздан тушиб кетади. Авваламбор, танланган ер ниҳоятда тор бўлиб, бир ёни деҳқон бозорига туташ. Кўрмисизни жойда қурилган корт (агар уни теннис корти деб атаб бўлса) бор-йўғи 160 томошабинга мўлжалланган. 1996 йил баҳорда ура-ура билан фойдаланишга топширилган бу спорт иншоати эндиликда шунинг учунни бўм-бўш. Хўжақўрсинга кўз-кўз қилинган кортда ҳалқача бирорта мусобақа ўтказилганлигини касбиликлар эслаб олмайдилар. Қизиқ, катта маблағ эвазига қурилиб, бугун ҳеч қим қадам босмаётган корт кимга ва нима учун керак?

Теннис корти қурилгандан буён бирор марта мусобақа ўтказилмаганлиги бизни ҳам ҳижолатга қўймоқда, — дейди туман халқ таълими бўлими болалар ва ўсмирлар спорт мактаби раҳбари Файзулло Қўлдошев.

— Очғи, бу ерни теннис корти дейишга ҳам уяламиз, — дея суҳбатга қўйилади туман ҳокимлиги қошидаги жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси раиси Улжа Мўминов. — Еш теннисчиларнинг мунтазам машғулот олиб боришлари учун етарли шароит яратилмаганлиги учун ҳам ёшлар ўртасида теннисга бўлмаган қизиқиш сувайиб қормоқда.

Ҳа, «мендан кетгунча, эгасига етгунча» қабилда иш юритиш ана шундай аянчи аҳволга олиб келади. Қанчадан-қанча маблағ ҳисобига бўнбўд этилган иншоот қуришдан аввал етти ўлчаб, бир кесилмаганлиги учун ҳам хувиллаб ётди.

Бирок бу ҳам ҳолва экан. Туман марказидаги «Дўстлик» ўйингоҳининг маъмурий биносидан бир йўла жисмоний тарбия ва спортга тааллуқли беш ташкилот жойлашганлигига нима дейсиз? Туман шарофтини ҳимоя қиладиган «Навбахор» футбол клуби, туман халқ таълими бўлимига қарашли болалар ва ўсмирлар спорт мактаби, футбол мактаби, ҳокимлик қошидаги жисмоний тарбия ва спорт кўмитаси, туман «Кураш» федерацияси син-

гари нуфузли ташкилотлар биносининг торгина хоналарида жойлашганлигига ақл бовар қилмайди. Устига-устак хоналар бемалол ишлаш учун етарли даражада жиҳозланмаган. Истиш тармоклари ишламайди, электр симлари очилиб ётибди. Сув қранлари ўрнатилмаган. Телефон ҳақида гапирмаса ҳам бўлади.

«Навбахор» футбол жамоасининг Ихтиёр Мардонов, Шоди Намозов, Фуқрат Фахридинов, Собир Нарзиев, Икром Сиддиқов, Лазиз Жўраев сингари иқтидорли, келажакка порлоқ ўйинчилари бор. Лекин футболчиларга яратиб берилган шароит эса юқорида таъкидлаганимиздек бир нави. Бунинг устига ўйингоҳнинг кириш дарвозаси анча четга ўрнатилган. Афтидан туман ҳокимининг қурилиш ишлари бўйича ўринбосари ўйингоҳ ва бошқа спорт иншоатлари қуриляётганда маҳаллий шароитларни ҳисобга олманган қўринадди.

— Ўйингоҳ дарвозасини қўринадиган жойга ўрната-ялмас, — дейди туман ҳокимлиги умумий бўлим мудири Фанишер Қўлдошев узини оқламоқчи бўлиб. — Бундан кейин ўйилманки, ўйинлар ҳам қизиқарли ўтса керак.

Ажабо, ўйингоҳ дарвозасини ўзгартирилган билан вазини ўзгарармикан?

Юқоридаги камчилик ва нуқсонлар туманда жисмоний тарбия ва спорт ишларига панжа орасидан қараб келинаётганидан далолат беради.

Шавкат СУЛТОН, «Ишонч» муҳбири.

ISHONCH

МУАССИС:

Ўзбекистон қасаба уюшмалари Федерацияси

Бош муҳаррир
Мирғиёс ҚАЮМОВ

Таҳрир қўйғати:
Ж.Алимуҳжаева, М.Одилова, Э.Е.Юхидов, С.Остонов, М.Расулов, Э.Ёқубов, В.Зверев (бош муҳаррир ўринбосари- «Ишонч-Доверие»), М.Олимов, М.Содиқов, Н.Рафиқов.

ТЕЛЕФОНЛАР:

Котибият 56-52-78, 136-58-45; Хатлар бўлими 56-85-43; Реклама, эълонлар бўлими 56-87-63

Газета 1991 йил 21 мартдан чиқа бошлаган

Маълумият: 700165, Тошкент шаҳри, «Бухоро» кўчаси, 24-уй. Наир кўчаси: 133; 134

Газетага 1998 йил 11 июлда Ўзбекистон Давлат Матбуот кўмитаси томонидан 00005 рақамли тўвоннома берилган. IBM компьютерда терилди ва сақланган. Офсет усулида босилди. Бичими А-2. Ҳажми 2 босма табоқ. Умумий алади 14.002 нусха. Соғувла эркин нархда.

«Шарқ» нашриёт—матбаа концерни босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 21.00
Топширилди 21.00

Буюртма Г—204. 1 2 3 4 5 6